

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# Тошга

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 92 (2356)

1991 йил 1 август

Пайшанба

Баҳоси 10 тиғин

## Ўзбекистон ССЖ Олий

### Кенгашининг Раёсатида

27 июль куни «Комсомольская правда» рўзномасида Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилганлиги ҳақида хабар босиб чиқарилганлиги муносабати билан Олий Кенгаш Раёсати ўзининг 29 июлдаги мажлисида ушбу хабарнинг қай даражада тўғри эканлигини текшириш материалларини ҳамда махсус ўтказилган экспертиза хулосасини кўриб чиқди.

«Комсомольская правда» рўзномасининг 27 июль шаба сониде «Қаттиқўл — қайта қуриш омили» суҳбатидан сўнг (айтганча, бу суҳбатда Ўзбекистон ССЖ қонуний сайланган халқ депутатларининггина эмас, айни вақтда «шундай вакилларни танлаган» ва «жумҳуриятнинг шундай парламентини» сайлаган халқнинг орномуси ва кадр-қимматини камситишга йўл қўйилган) Қ. Бобожоновнинг қатъият билан ёзилган ахборотида айтилишича, гўёки, 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ шoirи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Эркин Воҳидовнинг машинаси мерганлик милтигидан ўққа тутилган эмиш.

Тегишли муътабар идоралар синчковлик билан ўтказган текшириш бу уйдирманинг мутлақо асоссиз эканлигини кўрсатди, унда снecий мақсад ва эҳтимолки, мазкур суҳбатни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган мақсад кўзлангани шундоққина кўриниб турибди. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, автомобиль томидаги эзилган жой ва уч бурчак шаклидаги битта тешик ўт очувчи қурол қўлланганлигининг натижаси эмаслигини, балки атиги бир неча миллиметр ичкарига ўйиб кирган ва ҳатто кабинанинг ички қопламасига ҳам зарар етказмаган қандайдир нарсанинг таъсири натижасида рўй берганлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, кабина ичидаги қоплама билан автомобиль томи орасида бошқа ҳеч қандай ўзга нарсалар топилмади.

Шундай қилиб, Эркин Воҳидов тушган автомашинага ҳеч қандай ўқ отилмагани расман аниқланди. Уйдирма муаллифи ҳам ўзи ўйлаб чиқарган экспертиза ва «мерганлик милтиғи тўғрисида» ҳеч қандай маълумотни келтирмаган эди.

Раёсат мажлисида сўзга чиққан П. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Т. Шайхов, Ш. Мирзаев ва бошқалар мана шу ёлгон хабар учун Эркин Воҳидовнинг номзоди танлаб олингани тасодифий эмаслигини алоҳида таъкидладилар. Мана шу снecий иғвогарлик ташкилотчилари шoirнинг машҳурлигидан фойдаланиб, жумҳуриятдаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг мустақил давлат сифатида қарор топиши жараёнига яна бир бор зарба уришга уриндилар.

Машҳур шoirни жумҳурият раҳбариятига қарама-қарши қўйиш мана шундай бузғунчилик снecиятининг бўғинларидан бири эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Шу сабабли раёсат аъзолари Ўзбекистон ССЖ ва унинг раҳбарияти шаънига қилинаётган бундай иғвогарликларга чек қўйилишини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эса Ўзбекистон ССЖнинг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалда бўлган қонунларга оришмай рию этилишини таъминлашини талаб қилдилар.

Раёсатнинг сўзга чиққан барча аъзолари бундай иғвогарликларнинг аниқ ташкилотчиларини топиш, уларни ишлаб турган жойидан ва лавозимидан қатъи назар, жавобгарликка тортиш зарур, деган таклифни айтдилар. Улар бу таклифни ўз сайловчиларининг талаблари билан асосладилар.

Мажлисида сўзга чиққан Э. Воҳидов бу ёлгон хабар кўлдан-кўп дўстларининггина эмас, оила аъзоларининг ҳам тинчлигини бузди, деди. Уйдирма муаллифи бўлмиш Қ. Бобожоновни мутлақо танимаслигини, у билан учрашмаганлигини, суҳбат қилмаганлигини, ўзига суиқасд қилиш эҳтимолини мутлақо истисно этишини ва шу сабабли тегишли идораларга мурожаат қилмаганини айтди.

Раёсат мазкур масала борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ахборотини тинглаб, текшириш натижаларини кўриб чиқиб, Эркин Воҳидовнинг ёлгон хабар муаллифи билан ҳеч қандай суҳбат қилганим йўқ, деган гапини, ўзим менга суиқасд қилингани эҳтимолини истисно этаман ва бу масала юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилмаганман, деган гапини эътиборга олди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига мамлакатдаги ва жумҳуриятдаги ижтимоий-снecий вазиятни эътиборга олиб, турли-туман иғвогарларга қарши кўпроқ сергаклик ва сабр-матонат кўрсатиш, ўзларининг халқ вакили деган юксак номидан айрим шахсларнинг мустақил жумҳурият кўп миллатли аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мутлақо алоқаси бўлмаган хунук мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик тавсия этилди.

Раёсат Қ. Бобожоновнинг 23 июль куни Тошкент шаҳрида халқ депутати Эркин Воҳидовнинг хизмат автомашинаси ўққа тутилгани ҳақида «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинган хабарини Иттифоқ ўқувчисини кўпол равишда чалғитиш деб, шунингдек жумҳуриятдаги вазиятни беқарорлаштириш учун муайян жамоатчилик фикрини шакллантиришга уриниш деб, ҳисоблади.

Жумҳуриятимизда яшаётган баъзи мухбирлар ва мақолалар муаллифларининг ножўя ишлар қилинаётгани таъкидланди. Улар иштирокида баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССЖ тўғрисида нотўғри ва ноҳолис материаллар пайдо бўлди. Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигига бундай мухбирлар ва муаллифларнинг хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон ССЖнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига қай даражада мос келишини ва мавжуд қонун бузилганлик фактлари аниқланган тақдирда материалларни тергов органларига бериш топширилди.

Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги комитети гўёки Ўзбекистон ССЖ халқ депутати суиқасд қилинганлиги факти юзасидан жиноий иш қўзғатгани ва тергов олиб борилаётгани тўғрисидаги хабар маълумот учун қабул қилинди. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатида тергов яқунлари юзасидан ахборот бериш жумҳурият Давлат хавфсизлиги комитетига топширилди.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ошкоралик ва депутатлик ахлоқ-одоби комиссиясига ҳамда Олий Кенгаш Котибиятининг ҳуқуқ бўлимига қабул қилинган қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.



Бундан икки йил бурун ССЖИ ИИВ Тошкент ўрта махсус милиция мактабининг тугаллаган ёшлар суратдаги бўйингитни яхши танишган бўлишса керак. Уйқатган устозларини илиқ сўзлар билан эслашса ҳам, ажаб эмас.

Қорақалпоғистон жумҳурия-

тилик Йўлдош Душев мактабда олган билимларини ҳуқуқ-тартиботни мускамлаш йўлида сарфламоқда.

Суратда: милиция лейтенанти Й. Душев.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

## Ичкиликбозлик даҳшатлари

### ШИША БУШАГАЧ

Кўл бирон-бир фойдали юмуш билан банд бўлмаса, бетиним ишлаган калла одамнинг холи жонига қўймайди. Самарқанд шаҳрилик бекорчи А. Ревмир бўш пайтини мазмунли ўтказиш дарадида Тошкент сари отланди. Йўл-йўла, қай пойтахтга азиямдаги таниши Т. Андрей хонадонига кириб ўтиш истағи ҳам уйғонди. Вақт бисёр бўлиб, Самарқандда уни тирикчилик кутмаса, кўнгил кўчасига дадил кириб кетаверади.

— Кел, укам, саломатлик учун бир културмдан олайлик. У ёғига худо пошша, — деди мезбон дастурхон устидаги шишанинг салласини ечаркан.

— Майли, — камтарона розилик билдирди Ревмир.

Шиша ичидаги суюқлигидан жудо этилгач, «аке-ука» ўртасидан ола мушук ўтди. Авазлига даҳанаки жанг борди, кейин эса ростаканига жиққа мушт бошланди. Якма-якка олишувда сўзсиз 29 ёшли Ревмир устун чиқди. Туз ичиб, тузликка тупурган меҳмон кал-

тагини кўтаролмаган ногирон Андрей эртасига оламдан кўз юмди.

### ЖИРКАНЧИЛИК

Маст киши қандай жирканч қилликларга қодир эканлигини киборлар фарзандларига намоийиш этиш мақсадида қадимги Грецияда қулларни тўйгунча ичириншаркан, кейин кўча-кўй бўйлаб олиб юришаркан. Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, дейишган до-нишманд греклар.

Сабоқни бошқачароқ шаклда бугун ҳам давом эттириш керакмикин! Милиция маълумотномаларида қайд қилинаётган айрим жиноятлар ана шундай мулоҳаза юритишга мажбур айлайди кишини, бениҳтиёр. Келинг, ҳозирча унинг яшаш манзилгоҳини мутлақо билдирмайлик. Зеро Она тортган азоб ҳеч банданинг бошига тушмасин. 18 ёшли Сервер кайфлик пайтида кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган жиноятга қўл урди. У оқ сут берган онасининг ному-сига зўрлаб теғди. Ҳозир тергов бормоқда.

Ғайрат ЖУРА.

# Жиноятчиликни акс эттирган рақамлар

Умумий қонунбузарлик ҳолатининг кескинлашиши давом этаётган бир пайтда ойма-ой ижобий ўзгаришлар юз бераётгани кўзга ташланмоқда. Мухими шундаки, оғир жиноятлар сони (-7,3%) камайди. Бу гап жиноят қидирув йўналиши бўйича рўйхатга олинган жиноятларга ҳам тааллуқли. Қасддан одам ўлдириш (-6,5%), оғир тан жароҳати етказиш (-5,8%), босқинчилик (-20,7%), жиний жазоланадиган безорилик (-10%), ўлим билан тугаган йўл-улов ҳодисалари (-14,8%) қисқарди.

Кейинги икки йил давомида жамоат жойлари ва кўча-кўйларда ҳуқуққа хилоф тажовузлар (-8,8%), шунингдек, маст ҳолатда жиноят содир этиш (-3,9%) тўхтовсиз озаёиб бораётгани кузатилмоқда.

Иқтисодиётдаги гаразли

сунистеъмолликлар билан курашни ташкил этиш самараси кучайиб, бундай жиноятларни (+6,2%), жумладан талон-тарожни (+2,7%), чайқовчиликни (+2,2%), порахўрликни (+45,8%) фош этиш кучайди.

Илгари митинг ва намойишлар ўтказишга жалб қилинган кучлар энди ўз иши билан банд бўлаётгани ҳуқуқ-тартибот фаолиятида ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Тошкент шаҳрида олиб борилаётган иш фаоллаштирилмаганда эди, жиноятчилик билан курашни ташкил этишдаги салбий жараёни жиловлаб бўлмасди. Бу ерда жиноят қидирув йўналиши бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг ялпи кўрсаткичдаги салмоғи фақат кейинги уч йил ичида

35 фоиздан 19,5 фоизга пасайди, ўтган йилга нисбатан эса 6,8 фоизга қисқарди.

Шу билан бирга жумҳуриятда оператив вазият бутунлай яхшиланиши йўқ. Рўйхатдан ўтказилаётган жиноятлар миқдори 2,9 фоизга ошиб, 45 мингга яқинлашиб қолди.

Жамиятда юз бераётган кўринишлар акси сифатида қонунга хилоф фаолиятнинг маркази мулкий жиноятчилик сари юзланди. Фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ва инсоний қадр-қимматига тажовузлар орасида фақат зўрлаб номусга тегиш (+3,5%) ўсди. Мулкий жиноятчилик бўйича талончилик (+0,9%), давлат мулкни ўғирлаш (+1,4%), шахсий мулкни ўғирлаш (+10,5%), фирибгарлик (+4,9%) ортди.

Жиноятчиликка таъсир ўтказишнинг катта имконияти шахсий мулкни ўғирлаш билан кураш самарасини кучайтиришдадир. Бу борада нафақат ички ишлар идораларининг, балки маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик кучини ҳам жамлаш керак. Зеро кўпдан

кўён қочиб қутулмас, дейишади.


Яна бир муҳим масала илгари судланганлар ижтимоий кўникмасини, ёшлар дам олишини ташкил этишда.

Корхона раҳбарларига тўла мустақиллик берилиши озодликдан маҳрум этилган жойлардан қайтиб келаётганларни иш ва турар-жой билан таъминлашни қийинлаштиради. Охириқибат бу такрорий жиноятчилик уруғини ниш урдиради. Ҳозир ҳам ҳар ўн та жиноятнинг бири, шунингдек, жиноят қидирув йўналиши бўйича оғир жиноятларнинг ҳар бештадан бири собиқ маҳкумлар томонидан содир этилган.



Жиноятнинг очилиши милиция ишнини баҳоловчи бош кўрсаткичдир. Кейинги уч йил давомида очилмаган жиноятлар қолдиғи камайди. Ярим йил ичида эса 3,5 фоизга қисқарди. Бу жумҳуриятда йил охиригача ҳуқуқ-тартибот вазиятининг яхшиланишидан дарак бермоқда.

**ЎзССЖ НИВ ташкилий-инспекторлик бошқармаси.**

АНИҚЛАНГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ УМУМЙ СОНИДА ШАХСЛАР САЛМОҒИ (фоиз ҳисобида)




СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЛГҲРИ УЗГАРИШИ



ЭСАТМА: 1990 йил биринчи ярми йилида ва берган жиноятчилик салмоғи даво ичидаги рақамда акс эттирилган.

ОГҲИР ЖИНОЯТЛАРНИНГ МИҚДОРИ УЗГАРИШИ



## ЎН БЕШ УЧГА БЎЛИНДИ

Ангренлик Алишер Жумаев, Рамил Гизатуллин, Виталий Нарушевларнинг ёши 18 20 дан ошмаган. Лекин ичкиликбозликда манамен дегани ортда қолдиради.

Одатдаги кунлардан бирида улар чайқала-чайқала катта кўча бўйлаб боришарди. Бир пайт қарама-қарши томондан келаётган енгил машинани тўхтатишди.

— Овора бўлманлар, сиз-

лар айтган жойга олиб бормайман, — деди ҳайдовчи Крицков жаҳл билан.

Лекин оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди. Орқа ўриндиқдаги Нарушев унинг миёсига туширди.

Крицков аранг ўзини ўнглаб олдида, орқа-олдида қарамай қоча бошлади. Лекин кутурган безорилар бир зумда унга етиб олиб, дўппослаб бошлашди.

Хайриятки, жабрланувчининг бахтига навбатчилик қилаётган милиционерлар келиб қолишди...

Ангрен шаҳар халқ суди тунги қароқчиларнинг ҳар би-

рига 5 йилдан қамоқ жазосини белгилади.

**М. ҲАКИМОВ.**

## ИЛИГИН РАНЖИДИ

Самарқанд вилояти шифохонаси ҳудудида жойлашган ошхона омборига ўрнатилган ташвишгоҳ фавқулодда ишлаб кетди. Қоровул Қосим Раҳматов зудлик билан омборхона атрофини кўздан кечириб чиқди ва эшик бузилганини кўрди. Дарҳол қўшни корхона қоровули Қодир Азизовни ёрдамга чақирди. То ИИБдан оператив гуруҳ келгунча ошхонадаги столлар ос-

тига беркиниб олган шахсни ушлаб туришди.

Нихоят милиционерлар етиб келишди. Шундагина ўша шахснинг кимлиги аниқланди. У 1973 йилда туғилган, Садега дехадада яшовчи Андрей Илигин бўлиб чиқди. Андрей муқаддам ЎзССЖ ЖМнинг 114-ва 125-моддалари билан судланган ҳамда уч йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум этилган экан. Илигин шифохона қоровулининг сезгирлиги ва уddaбуронлиги туфайли қўлга тушди.

**Мирҳон МИРАҲМЕДОВ,** милиция капитани.

# ОХИРИ «ВОЙ» БЎЛМАСИН

Эл ўртасида йўл тасодифларга тўла, деган гап бор. Бироқ спиртли ичимликка тўйиб олиб, кутилмаган тасодифларни «кашф» этувчиларга нима дейсиз? Тағин маст ҳолда улов воситаларини бошқаришади-я!

Яқинда бўлинмамиз инспекторлари билан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб ўтирсак, бир икки келиб манда зарур иши борлигини айтиб қолди. Унинг юзи табиқдек эди.

— Ҳайдовчилик гувоҳномамини берсангиз, энди минбаъд ичмайман!

Ажаб одамлар бор-да. Оғзидан ароқнинг қўланса ҳиди гупиллаб келиб туради-ю, яна ДАН инспектори билан адибади айтишади. «Ичсам, ўзимнинг пулимга ичдим!» Авария қилмадим-ку! — дейишади. Бу одам ҳам ўшалардан бири экан.

Энди фирм юрийтилик. Унинг гувоҳномасини қайси қонунқондага асосан қайтариб беришим керак? Бу ҳақда у ичмасдан олдинроқ ўйлаши керак эди. Шундагина ҳеч кимнинг олдида боши ҳам бўлмасди.

Бундай ҳолга ҳар доим дуч келамиз. Айримларга огоҳлантириш берилади. Улар эса буни «сийлов» деб ўйлашса керак. Эрта ёки индинги кунда яна маст ҳолда рўбарў бўлади.

Фирмининг исботи учун П 0117 СД давлат рақамини осиб олган «ГАЗ-24» белгили автомашина ҳайдовчиси қилмишини олиб кўринг. Дастлаб у бир қанча ёлғон-яшиқларни тўқиб ташлади. Ишониб 200 сўм жарима солиш билан чеғараландик. Буни қарангки, ордан роппа-роса ўн кун ўтгач, яна маст ҳолда «ГАЗ-24»ни бошқариб юрибди. Шунинг учун ҳозир иши терговда.

Жарқўрғон ип йигирув-тўқув фабрикасига қарашли кичик автобус ҳайдовчиси Чори Холёров ҳам спиртли ичимлик деса, ўзини томдан ташлашга тайёр кишилардан экан. Аввал маст ҳолда тўхтатганимизда, бола-чақасининг ризқи қийилмасин, деб огоҳлантиргандик. Афсуски, бу унга чивин чаққанчалик таъсир қилмабди. Начора, энди суд олдида жавоб беришдан ўзга чораси йўқ.

Яраш Эргашев Жарқўрғонда ҳаммага таниш. Тумандаги сув ҳўжалиги ташкилоти муҳандисини ким билмайди дейсиз. Рейд ўтказилган кун кеч соат саккизларда машина бошқариб келаётганда тўхтатдик. Фирт маст, оёғида туролмайди. Устига устак ҳеч қанақа машина бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳўжжати йўқ. У жарима тўлашга мажбур бўлди.

Лекин жарима тўлаган битта у эмас. Шу кунни Қақайдидаги 6-қиллоқ хунар-техника билим юрти ўқитувчиси Абдулҳаким Маматраимов, тайёрлов идораси ходими Шерқул Тоғаев, «Узсельхозтехника» бирлашмаси механиги Тўра Бегимовлар ҳам ичган ароқлари учун 200 сўмдан тўлашга мажбур бўлдилар.

«Орбита» ширкати бош ҳисобчиси Хидирқул Норқулов эса мастликдаги рул бошқариш маҳорати учун икки йилга бу ҳуқуқдан маҳрум этилди. Айтинг-айтинг, бошқалар бундан тегишли хулоса чиқаришсин-да.

**Урол САДАТОВ,** Жарқўрғон тумани ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиғи милиция капитани.

# ОЛИЙ МИЛИЦИЯ МАКТАБИДА ТАНТАНА

Яқинда ССЖИ ИИБ Тошкент олий милиция мактабида 21-битирув кечаси бўлди.

Эрта тонгдан мактаб ҳовлиси байрамона безатилди. Бу ерга битирувчилар ота-оналари, опа-сингиллари, суюкли рафиқаларининг шодонлиги ўзгача файз бағишлади.

Тантанали кечани мактаб бошлиғи ички хизмат генерал-майори Николай Иванович Ожиганов очиб, 303 нафар битирувчига оқ йўл тилади.

Лейтенантлик унвонига эга бўлган йигитлар жумҳуриятимиз ҳудудидан ташқари қардош Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Беларуссия, Украина жумҳуриятлари ички ишлар идораларида ҳам хизмат қилдилар.

Жиноят қидирув, тергов, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва социалистик мулкни талон-тарож қилувчиларга қарши курашиш хизматлари га билимли терговчилар, оператив вакиллар келиб кўшилади.

Битирувчиларга фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг бўлим мудирини ҳуқуқшунослик фанлари доктори Мириной Файзиев, генерал-лейтенант Бурхон Сирожи-динов, генерал-майор Учқун Раҳимов ва бошқалар кўрак нишонлари ҳамда дипломлар топширдилар.

Ота-оналар номидан ички ишлар идоралари фахрийси милиция капитани Раҳмон Йўлдошев сўзга чиқиб, мураббийлар жамоасига миннатдорчилик изҳор этди, офицерларга муваффақият тилади.



Еш офицер Шариф Назаров ҳам ўзининг ва ҳам-курсларининг дил сўзларини баён этди. Шу куни олий милиция

мактаби бошлиғи ўринбосари ички хизмат полковниги Александр Леонтьевич Демченко мактаб байроғи ва жамоа билан хайрлашди. У

ўзининг 35 йиллик умрини Совет Армияси ва ички ишлар идораларида ўтказиб, дам олишга чиқди.

СУРАТЛАРДА: битирув кечасидан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



Ички ишлар идораларида хизмати унча кўзга ташланмайдиган, бироқ аҳамияти ниҳоятда катта паспорт бўлими ва бўлимчалари бор. Судланган кимсаларни, яшриниб юрган жиноятчиларни, алимент тўлашдан қочиб юрганларни қидириб топишда уларнинг ўзига яраша хиссаси бор. Шунингдек, 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳам ҳаётларида илк бор аллон рангли паспортни улар қўлидан олишади.

Паркент тумани ички ишлар бўлими паспорт столи ходимлари олдиларида турган вазибаларни сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилишмоқда.

Суратларда: ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари милиция майори Тўлқин Норбоев, паспорт столи бошлиғи Тиллабой Мухаммадиев, ходима Наргиза Мирсобитовалар иш устида; ходималар Намма Эшонова ва Ҳилола Бекназаровалар ҳужжатларни текширишмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



## БИРЛАШГАН ЎЗАДИ

Ҳар куни бизнинг жумҳуриятимиз ҳудудида ўрта ҳисобда ўнта автофалокат содир этилмоқда. Ана шу кўнгилсизликларнинг ҳар еттасидан бири эса тошкентликларга қайғу олиб келмоқда. Бунинг сабаби маълум, кейинги пайтларда пойтахтда аҳоли сони ҳам, турли уловлар миқдори ҳам кескин даражада ошиб кетди. Лекин уларнинг ҳаракатини назорат қилиш борасида ҳамон эски тажрибага амал қилинапти, бирорта арзигулиж янгилик жорий этилгани йўқ.

Лекин энди бундай яшаб ва ишлаб бўлмайди. Азбаройи юртдошларимиз хотиржамлиги учун нимадир ўйлаб топиш лозим. Тўғри, бу йўлда адашиш ҳам мумкин, лекин таваккал қилинмаса, ҳеч қандай ўзгариш ҳам бўлмайди. Ана шу нуқтан назардан келиб чиққанда, бизнинг ҳам битта таклифимиз бор. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олиш, ҳеч бўлмаганда уларни камайтириш учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасини тузиш керак. Базилар эътироз билдиришлари мумкин. Бозор иқтисодиёти бошланиб, туйнукдан юлдуз кўринган маҳалда бош бошқарма учун маблағни ким ва қаердан берарди, деб ўйлашлари табиий. Лекин қаловини топса, қор ҳам ёнади. Бизнингча, ЎзССЖ ИИБ ва

Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармалари бирлаштирилса, ана шу муаммо ҳал этилади. Бунда бош бошқарма бошлиғи, унинг Тошкент шаҳри бўйича ўринбосари, умумий ишлар бўйича ўринбосари штатлари жорий этилади. Шунинг ўзидаёқ учта раҳбар штати қисқартирилади ёки ойда 2—2,5 минг, йилига 25—30 минг сўм иқтисод қилиб қолинади.

### ТАКЛИФИМ БОР

Хомаки режамизга кўра бош бошқарма таркибида қуйидаги бўлимларга асос солиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Таҳлил ва жамлаш бўлими (6-7 кишидан иборат).
2. Ариза ва хатлар бўлими (тахминан ўн кишидан иборат).
3. Йўл назорати бўлими (бунда ҳам ўн киши).
4. Улов воситалари бўйича фуқароларга хизмат кўрсатиш бўлими (имтиҳон-қайд қилиш, техник кўриқдан ўтказиш ва бошқа ишлар билан шуғулланувчи 15-20 кишидан иборат).
5. Йўл хавфсизлиги профилактика бўлими (10 киши).

Агар шундай қилинса, бош бошқарма девони ҳаммаси бўлиб 50-55 ходимдан

иборат бўлади. Бу эса 50-60 та ходим ўрни қисқартирилади ва йилига 300 минг сўм тежаб қолинади, деган сўз. Ана шулар ҳисобига кўшимча равишда яна иккита рота ташкил этиш мумкин. Қолаверса, ҳар бир туманда тежаб қолинган маблағ ҳисобига алоҳида рота тузиш имконияти яратилади.

Бизнингча, йўл-патрул хизмати бўлимининг умуман кераги йўқ. Чунки бу ишни бош бошқарма бўлаги штаби бемалол уддалай олади. Қолаверса, бу штаб туманларда ташкил этилажак роталар фаолиятини ҳам назорат қилиши мумкин.

Агар шундай қилинса, тарқоқ кучлар бир жойга жамланиши ва фойда кўпроқ бўлиши кутилади. Энг диққатга сазовор жойи шундаки, бу ишларни амалга ошириш учун давлатнинг бир тийин пулига ҳам эҳтиёж йўқ.

Ботир НОСИРОВ, ЎзССЖ ИИБ ДАНБ ходими милиция майори.

ТАҲРИРИЯТДАН: милиция майори Ботир Носировнинг автофалокатларнинг олдини олиш юзасидан билдирган таклифлари, албатта, баҳсталаб. Шунинг учун йўл назорати бўйича масъул ўртоқларнинг, қолаверса, мазкур муаммо билан қизиққан ихлосмандларимизнинг мулоҳазаларига муштоқмиз.

## Рақамлар тўғри келмади

Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ инспекторлари милиция катта лейтенанти Насриддин Мухитдинов ва милиция сержанти Абдуқаном Зокировлар «ВАЗ-21011» белгили Е 9855 ТН ра-

қамли автомобилни тўхтатишди. Кейин ҳайдовчи Рубен Сангинов тутқазган ҳужжатларни зийраклик билан кўздан кечирди. Буни қарангки, ундаги ва машина агрегатидеги рақам-

лар бир-бирига тўғри келмади. Сирғали тумани ИИБдаги му-тахас ҳслар бунинг сирини аниқлашарпти.

Раҳимддин МУҲИТДИНОВ, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция лейтенанти.

Қуёш кечки либосида уфққа бош қўймоқда. Шафқат қирларнинг яшилтиги билан уйғунлашиб, ўзгача ранг касб этади. Ҳар қандай одамнинг кўнглини тўлқинлантирувчи бу жило Маратнинг гамгин хаёлларини бир муддатга тўзгитади. У кун ботишини кузатганча сурувларни отарга ҳайдайди. Икки кўзи уфқда.

— Мана, ҳозир қуёш ботади. Инсон ҳаёти ҳам бир нур мисол эканда-а... У эрта саҳардан жунжиққан баданларининг майин зарралари билан илтиб, яшашнинг нақадар улкан неъмат эканлиги, фараҳбахшлиги, ҳар куннинг ганиматлигини билдириб туради-я, аммо одамнинг калта ақли бунга доим етавермаскан-да. Боши деворга тақ этиб уригач, агрофа боқиб кўзи тўймас экан. Дунёнинг ишлари ҳў ажойиб-да...

У чуқур хўрсинганча қўйларни қўтонга киргизди. Туни билан оғир ўйлар оғушида тўлғониб чиқди.

Кўзларини юмди дегунча қандайдир башаралар, даҳшатли даражада катта рақамлар уни исканжага олар, тинмай унинг боши узра қора қузғундай чарх урар ёҳуд бирдан калхатдай ташланиб, юз-кўзига чанг соларди.

Марат қўйларнинг «баба»сидан уйғониб, чайласидан ташқарига чиққанида, кун аллақачон ёйилиб бўлганди.

У жониворларни шоша-пиша кирга ҳайдади.

Йўқ, шу бугуноқ бир илжини топишим керак. Ёр-биродарлардан қарз сўрайми? Э, ҳозирги қимматчиликда ҳар ким тўрвасини аранг тўлдираётганида-я. Кимга ёрилсам экан? Йўқ, хотин зотига ишониб бўлмайди. Эҳсонасиям чиқиб кетса керак. Айб ўзимда. Падарига минг ланат ичкиликни ўйлаб топгани. Нега ичдим? Биров мажбурлагандими? Қаёқданам шу йўлдан юрдим. Улармидим уларнинг ёнига яқинлашмасам? Қўлимга қарга ушлагунча уни синдириб ташлаганимда, бу азоблар бормиди, ё йўқмиди? Фалонат айлантормаса, яна уларни ордан бошлаб, шу ерга олиб келармидим...

Кўм-кўк майсалар устига зилдай оғир ўйлари билан



тиз чўккан Марат қўй-қўзиларини кузатар экан. «хом калла»сига ярқ этиб бир фикр урилди. Устидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

Оқшом тушишини орзиқиб кута бошлади. Қасдга олгандек куннинг ботиши жуда чўзилди. Шоша-пиша молларни қўрага киргиздида, Коммунистик туманидаги Чегара қишлоғига йўл олди. Аҳоли чорвасига подачилик қилувчи Шокирнинг отарига яқинлашди. Пулга тақилганда 27.900 сўмни ташкил этадиган 53 бош қўй-қўчқорни киши билмас ҳайдаб келди-ю, ўз сурувига қўшиб қўйди. Қилган ишидан кўнгли ёришди. Уйқуси ҳам ҳар қачонгидан ҳаловатли бўлди. Энди эса фақат бир нарса уни қийнади. Тезроқ уларни гумдон қилиб, айтилган пулларни тайёрлаб қўйиш. Келишилган пайда қиморбозлар 10 минг сўмни қуртдай санаб олдилар. Бу қасам ур-

ганлар анойилардан эмас экан. Шунча пулни берган нега яна шунча топмаскан, демак бир оз кўрқитиш керак, деган фикрда орадан ҳеч қанча ўтмасдан тагин чўпоннинг харобасига ташриф буюрдилар.

Марат энди бу одам қиёфасидаги иблисларнинг чангалидан қутулиш осон эмаслигини тушунди. Ҳа, энди улар мени соғиб ичадилар, деган ўйда бир кундаёқ сочларига оқ оралади. Бир ҳисобда қўлидаги милтиқни ишга солгиси келди-ю, яна шайтонга ҳай берди. Келиб-келиб одам ўлдираманми?... Йўқ, бу иш менинг қўлимдан келмайди. Ундан кўра тилсиз-забонсиз қўйларни ўғирламайманми? Тоқайгача мендан олишаркан? Ахир, бир кунни бунинг охири бўлиши керак-ку!

Шу кунни Марат қўрқинчи туш кўрди. У қўйга айла-

ниб қолган эмиш. Ановилар эса унинг қўл-оёқларини боғлаб, пичоқ чархлаётишибди. Қозонда қизиб турган ёғнинг ҳиди ҳамма ёқни босиб кетганмиш. У бақирай деса, фақат «ба-ба» дермиш, овози шунақа секин чиқармиш-ки, сал нарироқда турган милиционер ҳеч ҳам эшитмасмиш. Бир пайт баҳайбат қўланка қўлидаги пичоқни ялтиратиб, унга яқинлашиб кела бошлабди. У жон ҳолатда бақира бошлаганмиш:

— Ба, ба-а-а-а...

Узининг овозидан ўзи чўчиб уйғонган Марат ёнида биқиниб ётган қўзичоқни кўрди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Лекин бу оқизлик, раҳмдиллик вақтинча эди, кўп ўтмай у яна бошқача бўлиб қолди.

Тунда Паркент тумани тарафга жўнади, 74 бош, яъни 14.770 сўмлик қўйларни ҳеч кимга билдирмай олиб чи-

қиб, ўз отарига қўшиб қўйди.

Ҳазосиз қолган жиноят бошқа жиноятларга етаклайди, деб бежиз айтылмаган экан. Маратга бу ўғирликлар шунчалик жўн, оддий юмушдек бўлиб қолди. У ҳеч қачон, ҳеч ким билмаслигига борган сари ишониб борар, ҳар ҳолда шундай бўлишини астойдил хоҳларди.

Туман ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган Аширбойнинг отаридан 21.274 сўмлик 95 бош жониворни ҳам ана шу ўйда яшаш маконларини ўзгартирди. Яна шу ҳудуддаги отардан 19.486 сўмлик 105 бош чорвани ўзининг қарамондаги молларга қўшиб қўйди. Охири мартаба туёқлар сонини 4200 сўмлик 9 бошга кўпайтирди.

Лекин сир очилиб, мол эгалари Маратнинг қўтонига ташриф буюришганларида, қўй-қўзиларни дарров таниб олдилар. Аммо Маратдан ўғирланган молларни харид қилиб олган фуқароларнинг ҳаммасини аниқлаш имкони бўлмади.

Ширакайф келаётган Марат сув ёқасида гурунглашиб ўтирган бир неча кишининг олдидан ўтиб борарди. Уларнинг бири имо қилиб чақирди. Яқинлашса, қарта ўйнаб ўтиришган экан. Уни ҳам ўйинга тақлиф қилишди. Аввалига Маратнинг қўли баланч келиб турди. Анча-мунча пуллик бўлгач, бирдан омад ундан юз ўгира бошлади. Лекин шайтон тўрига илтини қолган чўпон тобора қизишиб борар, улар юз деса, у яна эллинка оширарди. Тағинам улфатлар вафодор чиқишди, маст подачини отаригача кузатиб қўйдилар. Марат эса эртаси кунни ҳаммасини бутунлай ёдидан чиқарди. Ахир, бемаза улфатчилик унинг бошига кулфат етаклаб келишини хаёлига келтирибдими? Индинига эса улар иршайиб кириб келдилар-у, ўн минг сўм қарзи борлигини жиддий эслатиб кетишди.

Маратнинг бир лаҳзалик кўрқоқлиги унга жуда ҳам қимматга тушди. Ўзи пиширган ошнинг ёвгон шўрвасини бир неча йил ичишига тўғри келади.

М. ИБРОҲИМОВА.



Шарифбой ака Матназаров 30 йилдан ортик ИИБда хизмат қилган. Ҳозиргача уни йўл ҳаракати билан боғлиқ касб эгалари илиқ сўзлар билан хотирлашади. Чунки Шарифбой ака ана шу муддат ичида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўлида қанчадан-қанча пешона тери тўкмади.

У нафақадорликка чиққач ҳам, бемалол оёқ узатиб ётишни ўзинга малол кўрди. Тез-тез ДАН ходимлари даврасида бўлиб, ўзининг бой тажрибаси билан ўртоқлашиб туради.

Суратда: Ш. Матназаров бир гуруҳ ДАН ходимлари билан.

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

● ФУТБОЛ

● ФУТБОЛ

ДУШАНБЕДАГИ ҒАЛАБА

Афтидан Киевда динамочилар билан жанговар дуранга эришилгани «Пахтакор» жамоаси кучига куч қўшган ва рақиблар майдонидан чўчиш ҳиссини йўқотган кўринади.

Ўтган кунни Душанбедаги жумҳурият марказий ўйингоҳини тўлдирган футбол мухлислари бунга аққол гувоҳ бўлишди. Дастлабки дақиқалар мезбонлар устунлигида ўтган бўлсада, пахтакорчиларнинг қарши ҳужумлари хавфли тус олди.

Иккинчи бўлимда ўйиндаги манзара ўзгармади. Мезбонларнинг ҳужумчилари А. Абдураимов, Р. Бозоровлар қўлай имкониятни бой беришди.

Ҳамюртларимиз эса қарши ҳужумларнинг бирида ҳисобни очшига эришдилар. Шквинин-Қосимов-Шарипов комбинациясини Пятницкий яқунлади. Моҳир тўпурар Шквинин ўйиннинг 75-дақиқасида ҳисобни ошириши мумкин эди, бироқ бўш дарвозага тўпни киритолмади. Уйин 1:0 ҳисобида «Пахтакор» ғалабаси билан тугаган. «Помир» ишқибозлари тартибсизликлар чиқаришга ўринишди. Лекин душанбелик ҳамкасбларимиз кўрган кескин чоралар туфайли унинг олди олинди.

Эвбиддин СОДИҚҲУҶАЕВ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Постда» рўзномасини уйда олиб ўқиш истаги бўлса, унга обуна бўлишингиз мумкин. Агар Сиз 5 августга қадар рўзномага ёзилсангиз, у 1 сентябрдан бошлаб хонадонингизга кириб боради.

Обуна баҳоси 4 ойга — 5 сўм 20 тийин, 3 ойга — 3 сўм 90 тийин. Обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Ловатян кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марковский Қўмғаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъинланган, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР